



Анна Терманнинг «Умид» юлдузи

Келгуси сонларда ўқинг

Жонун тили халқона бўлса...

Келгуси сонларда ўқинг



Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2019 йил 8 январь • сешанба • № 4 (4133)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ҲАРБИЙ БЎЛИШ ОРЗУИМ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Жиззахда вилоят ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ, Жиззах ҳарбий гарнизони, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жиззах вилоят кенгашлари ҳамкорлигида «Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Шароф Рашидов тумани Гандумтош қишлоғида ташкил этилган фестивалда мамлакатимиз Куролли Кучлари жанговар салоҳиятини акс эттирувчи ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, қутқарув анжомлари кўргазмаси намойиш этилди. Иштирокчилар замонавий ҳарбий техника ва қуролларни нафақат томоша қилди, балки базиларининг ишлатилиш тартиби билан ҳам танишди.

Фестиваль доирасида ёшларга мамлакатимиз Куролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар, Ватан ҳимоя-чиси бўлишнинг шарафи ва масъулияти ҳақида кенг маълумот беришга қаратилган қатор маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилди.

– Ҳарбий оркестр садолари остида аскарларнинг саф кўриги, буюк боболаримиз Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур жанг санъати ҳақидаги сахна кўринишлари биз, ёшларни тўлқинлантириб юборди, – дейди Жиззах енгил санат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Зоҳид Отақулов. – Аскарларнинг қўл жанги санъати, спортнинг ҳарбий-техник турлари бўйича кўргазмалли чиқишлари, халқимизнинг қадимий ва жанговар кўпқарли уйини ҳарбий бўлиш истигъмини янада мустаҳкамлади.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, УИА мужбири



14 ЯНВАРЬ – Ватан ҳимоячилари куни

Живах вилояти

КУН НАФАСИ

Президентимизнинг «Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

uza.uz

«Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

«Хуқуқий ахборот» канали

Ўзбекистонда илк бор республикадаги барча мактабгача таълим муассасаларига ривожлантирувчи босма материаллар бепул тақдим этилади.

Мактабгача таълим вазирлиги матбуот хизмати

Ўзбекистонлик 23 ёшли ишчи Алан Абдуллаев Россиянинг Магнитогорск шаҳрида портлаш оқибатида қулаб тушган кўп қаватли уй вайроналари остидан саккиз кишини биринчилардан бўлиб, ҳали Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари келмасиданоқ қутқаришга муваффақ бўлган.

uza.uz

2019 йилнинг 15 январидан юртимизга саёҳат мақсадида таширф буюрувчи Германия фуқаролари учун 30 кун мuddатга визасиз режим жорий этилади.

Давлат туризм қўмитаси матбуот хизмати

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси томонидан илк маротаба катта масштабдаги «Миллий спорт мукофоти – 2018» тақдирлаш кечаси ташкил этилди.

МОҚ матбуот хизмати

2019 йил 5-6 февраль кунлари Тошкент шаҳрида мамлакатимизнинг узок мuddатли ривожланиш стратегияси лойиҳаси муҳокамага бағишланган «Ўзбекистон – 2035» II халқаро форум ўтказилади.

uza.uz

Тошкентда иссиқ ва совуқ сувга «қўлли» ҳисоблагичларни ўрнатиш бўйича дастур ишга тушади.

darjo.uz

Навоий вилоятида тадбиркорларга кўмаклашувчи жамоатчилик органи «Инновацион ривожлантириш кенгаши» ташкил этилди.

xabar.uz

Ўзбекистонда алкоғолизмни даволайдиган янги препарат иxtиро қилинди.

xabar.uz

Самарқандда илк бор ҳарбий хизматчи аёллар форуми ўтказилди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

ТАФСИЛОТ

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига тааллуқли энг муҳим воқеа-ҳодисалар «Ishonch» нигоҳида

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 5 январь куни «Ўзбекистон Республикасида туризмни тезкор ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ва «ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида»ги қарорни имзолади. Мазкур ҳужжатларга биноан, Ўзбекистон Республикасида 2019–2025 йилларда Туризмни ривожлантириш концепцияси ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Бундан ташқари, соҳага оид бир қанча ўзгаришлар киритилди.



АЭРОПОРТ ВА ВОКЗАЛЛАРДА ИБОДАТХОНАЛАР

Эндиликда Ўзбекистондаги барча халқаро аэропортлар ва темирйўл вокзалларида ибодат амалларини бажаришга мослаштирилган хоналар пайдо бўлади. Фармонга биноан ибодат амалларини бажариш ва таҳоратхоналар учун жойларни 2019 йилнинг 1 июнига қадар жиҳозлаш топшириги берилган.

САЙЁҲЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

2019 йилнинг 1 февралидан 45 давлат фуқаролари учун 30 кунлик мuddатга визасиз режим жорий қилинади.

ХОРИЖЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОНДАН УЙ СОТИБ ОЛИШИ МУМКИН

106 мамлакат фуқароларига Ўзбекистонда турар-жой сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этилади. Бунинг учун ушбу давлатлар фуқаролари Ўзбекистон ҳудудларидан муайян суммадаги кўчмас мулк иншоотларини харид қилишлари керак бўлади.

ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ЯҒОНА ЭЛЕКТРОН ПОРТАЛИ ЯРАТИЛАДИ

Уч ой ичида республика транспорт тизими ягона электрон портали яратилади, у блокчейн технологиялари асосида рейслар (автобус, авиа ва темир йўл) қулайлигини инobatга олган ҳолда чипталар сотувини амалга оширади.

МЕҲМОНХОНА ХИЗМАТЛАРИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БОР?

Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг яшаш жойи (прописки), фуқаролиги, қариндошлик ёки никоҳ муносабатларидан, шунингдек, шахсий ҳаёт ҳуқуқини чеклайдиган бошқа омиллардан қатъи назар, меҳмонхонага келган мижозларга меҳмонхона хизматлари тақдим этилади.

ЯНГИ ВИЗА ТУРЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Фармонга мувофиқ, асли ўзбекистонлик бўлган, юртимиз ҳудудида тахсил олаётган, илмий-тадқиқот ва таълим фаолиятини олиб бориш истагида бўлган, даволаш-профилактика муассасалари тақлифига биноан таширф буюрувчи ҳамда сайёҳлик фаолияти субъектлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳу-

Қорақалпоғистон Республикаси

Президент ташрифидан сўнг...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилда Қорақалпоғистонга ташрифи давомида мактабимизда ҳам бўлиб, мавжуд шарт-шароит билан яқиндан танишган, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берган эди.

Мактабимиз ҳақиқий зиё масканига айланмоқда

1985 йилда фойдаланишга туширилган илм масканининг ҳолати чиндан-да бир аҳволда бўлиб, номигагина таъмирланган муассасада камчиликлар етарли, иситиш тизими издан чиққанди. Қиш кунларида синф хоналаридаги ҳарорат ташқаридагидан бироз фарқ қиларди. Совуқ спорт зали, иситилмаган синф хоналарида тўғараклар кўнгилидек фаолият юритмасди.

1176 нафар ўқувчига мўлжалланган мактабимизда бугун барча шароитлар мавжуд. Синф хоналари иссиқ ва шинам. Янги универсал қозонхона ўрнатилгач, иситиш тизимининг бир маромда ишлаши таъминланди. Бу ишлар учун 3 млрд сўмга яқин маблағ ажратилди.

Мактабимизда 5 та секция ишлаб турибди. Спорт анжомларига эга замонавий зал ҳамиша гавжум. Учинчи синф ўқувчилари Юнус Расбергенов билан Мадияр Пирниязов эркин кураш бўйича ўз вазн тоифасида Қорақалпоғистон Республи-

каси қолиби бўлишди. Барча фанлар бўйича махсус хоналар бор. Фаолият кўрсатаётган 77 та фан тўғрисида тажрибали муаллимлар етакчилик қилмоқда.

Ёш ўқитувчилар тоифаси бор, тажрибали муаллимларга бириктирилган бўлиб, ҳар бир фан ўқувчиси дарсларнинг қизиқарли ва сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида кўргазмалли қуроллар ва янги педтехнологиялардан самарали фойдаланмоқда.

Ўқитувчиларимизнинг малакасини ошириб бориш мақсадида йил давомида «Илғор ўқитувчи», «Мен инноваторман», «Давр муаллими», «Сиз қонунни биласизми?», «Инглиз тили билимдони» каби кўрик-танловлар ўтказиб борилади. Барча фанларни қамраб олган 9 та метод бирлашмага олий маълумотли, малакали ўқитувчилар раҳбарлик қилмоқда. Мунтазам тарзда ўтказиб бориладиган «Китоблар ярмаркаси», «Китобхонлик кечалари» болаларнинг му-

толаага бўлган қизиқшини тавора кучайтираётир.

Ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи босқичма-босқич оширилиши, даромад солиқларининг камайирилиши, кейинчалик имтиёзли ипотека, истеъмол ва автокредитлар берилиши фаолиятимизга нисбатан юксак эътибор, ғамхўрликлардан нишондир.

Мактабимиздаги малакали касбдошларимизнинг иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида туман миқёсида очик дарслар ташкил этилди. Давлдорлик ҳиссини туйган жонқуяр, илғор ўқитувчиларимизнинг меҳнатини баҳолаб, рағбатлантиришда бошлангич касба уюшма ташкилоти ташаббуси доимо қўлаб-қувватланмоқда.

Президентимизнинг таълим соҳасига қаратаётган эътибори ва биз, устозларга бўлган юксак ишончига, албатта, амалий натижалар билан жавоб берамиз.

Турсунгул АБДУРАҲМОНОВА, Хўжайли туманидаги 6-умумтаълим мактаби директори

Пенсия учун ҳужжат оsonлашадими?

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид

Давлат дастури лойиҳасида пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатларни йиғиш жараёнини тубдан оптималлаштириш кузда тутилмоқда. Қайд этилишича, бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб

Жамоатчилик муҳокамаси чиқилади. Унда архивлардаги маълумотларнинг электрон базасини яратиш, давлат хизматлари маркази орқали пенсия тайинлаш хизматини йўлга қўйиш, идоралараро ахборот алмашувини жорий этиш каби масалалар назарда тутилмоқда.

Жиззах вилояти

Имконияти бор одам имкон қадар ўй-жойини таъмирлаб туради. Деярли ҳар йили хонадонини жорий таъмир қиладиганлар ҳам бор. Аммо узоқ йиллар давомида уйига бирор марта ҳам уста чақиролмаган, ҳаттоки, уни оқлаб қўйишга ҳам имкони йўқлар, афсуски, йўқ эмас. Уларга қийин. Айниқса, қиш ва баҳор мавсумида. Тасаввур қилинг: қор-ёмғир ёғса, томдан чакка ўтади, деворларнинг сувоғи кўчган, пол яроқсиз аҳволда, захлаб кетган, иситиш ускуналари ишламайди, «отам замони»дан қолган эшик-деразалар совуқни қайтаришга «қодир эмас».

Хўш, шундай шароитда яшаётганлар нима қилиши керак? Аввало, ҳаракат. Аммо ҳаракат қилиб ҳам ўздан, бола-чақасидан ортиролмаётган бўлса-чи? Ёрдам сўрай деса, кўмаклашадиган жон-жигарлари, яқинлари бўлмаса-чи? «Қачон мен ҳам, биз ҳам...» деган ўй-фикрлар, саволлар кўнгилдан бот-бот ўтиб турса-чи?

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори минглаб оилаларнинг ташвишли ўй-хаёллардан фориғ бўлиб, Янги йилни янгиланган (таъмирланган) хонадонларда хуш кайфиятда шукроналик билан кутиб олишига сабабчи бўлди.

Таъкидлаш жоизки, биргина

ТУШГА КИРМАГАН ИШЛАР

эътибордан кўнгиллар ўсмоқда, қалбда ишонч кучаймоқда

Жиззах вилоятининг ўзида 325 та хонадон таъмирланиб, уларнинг ҳар бирига 10 миллион сўмдан маблағ сарфланган. Агар бу рақамлар республика бўйича олинанинча бўлса, хонадонлар сони ҳам, маблағ миқдори ҳам анчагина салмоқли бўлади. Чунки қарор доирасида республикамизнинг ҳар бир шаҳар ва туманларида 25 тадан хонадон таъмирланиши белгиланган.

Биз қарор ижросини таъминлаш борасида Жиззах вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан амалга

ошириладиган чора-тадбирлар билан танишиш мақсадида Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўстлик ва Мирзақўл туманларида бўлди. Шу икки кунда энг кўп эшитган сўзимиз раҳмат бўлди, ким билан гаплашмайлик, кўрсатилмаётган ғамхўрлик ва эътибор учун барча масъуллардан, биринчи гада давлатимиз раҳбаридан беҳад мамнунлигини билдиришди.

Тоҳир Самандаров (Жиззах шаҳри «Қалия» маҳалласи): — Ҳовлим хароб аҳволда эди.

Очиғи, уйга меҳмон чақирибга улардик. Энди эса тушга ҳам кирмаган ишлар бўлди. Ҳаммаси учун раҳмат.

Дилфуза Суянова (Шароф Рашидов тумани «Халқобод» МФЙ): — Томдан чакка ўтарди. Томни

лишиди, ошхонага «димоход» ҳам ўрнатиб беришди. Эшик ва ромлар ақфа бўлди. Пол янгиланди.

Нилуфар Султонова (Дўстлик тумани Гафур Гулом номи МФЙ): — Уч хонали квартирамнинг эшиклари, ромлари ғийқиллаб қолган, поллари чириган, деворлари захлаб кетган эди. Уйимизнинг ҳозирги ҳолатидан болаларим бирам хурсанд.

Валентина Ковалева (Мирзақўл тумани «Ержар» МФЙ): — Ёшим 81 да. Шу ёшга кириб бунақа эътибор ва ғамхўрликни кўрмаганман. Бир ўғил ва бир қизим бор эди. Улар вафот этишган. Мен ўзимни ёлғиз ҳис этардим, ҳеч кимим йўқ деб ўйлардим. Адашган эканман, менинг Президентим бор экан.

Ҳа, халқ фаровонлиги, юрт равнақи йўлида амалга ошириладиган улкан ишлардан ҳамма-ҳамма беҳад миннатдор. Зеро, бу миннатдорлик ҳисси оддий одамларнинг оқилона сиёсатдан рози эканлигиндан далolatдир!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири



ҲАМКАСБЛАР ДАВРАСИДА

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Хоразм вилояти ташкилотлари ҳамда Республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими томонидан соҳа ходимларининг фарзандларини мамнун қилиш учун Республика ёш томошабинлар театри жамоаси вилоятга таклиф қилинди.

Хоразмлик 2800 нафар болажон театр томошаларидан баҳраманд бўлишди. Урганч шаҳри ва туманлардаги аҳоли маданий дам олиш марказларида, мусиқа мактабларида рус ва ўзбек тилларида тақдим қилинган томошалар намоиши болалар учун эртақлар оламига жонли саёҳат бўлди.

САИДБЕК КАСБИДАН ҲАМ, ҲАМКАСБЛАРИДАН ҲАМ МАМНУН

«Сирдарё ИЭС» АЖ маъмурияти ва касабаси уюшмаси ташаббуси билан корхонанинг марказлашган таъмирлаш цехи чилангари Саидбек Тешабоевнинг никоҳ тўйи ўтказиб берилди. Жамоа аъзолари тўйда хизматда бўлди.

Гулистондаги болалар уйида тарбияланган Саидбек Ширин энергетика ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини тамомлаб, шу корхонада иш бошлаган эди. Бугун у талланган касбидан, ҳамкасбларидан мамнун.

ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

«Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятида «Маънавият соати» тадбири бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳияти, амалга ошириладиган ислохотлар ва олданда турган вазифалар хусусида сўз борди.

Тадбирда корхонанинг ўтган йилдаги фаолияти, эришган ютуқлари ҳамда 2019 йилги режалар хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

ЭЗГУ ИШЛАР БОШИДА

Қорақалпоғистон Республикаси касабаси уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши ҳамда тармоқ касабаси уюшмалари томонидан Нукус шаҳридаги «Мурувват» аёллар интернет уйида тадбир ташкил этилиб, муассаса тарбияланувчиларига Янги йил совғалари улашилди.

САМАРҚАНДГА САЁҲАТ

Наманган шаҳар қурилиш ва ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи ўқитувчилари ўртасида спортнинг бир нечта тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Ҳолиларга касабаси уюшмалари томонидан топширилди.

Уйчи саноат, транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи ва бошланғич касабаси уюшмаси томонидан коллежнинг иқтидорли ўқувчиларидан бир гуруҳнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

САНАТОРИЙГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

«Норин тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонасининг 248-йўл бўлими ишчиси Насибхон Сотиволдиева, «Юнусбой» МЧЖ раҳбари, ишловчи пенсионер Мамадали Ҳўжаматов ва Уйчи саноат, транспорт касб-хунар коллежи устахона устаси Ҳоширжон Зиятовга касабаси уюшма кўмитаси томонидан санаторийларга бепул йўлланма тақдим этилди.

ФАОЛИЯТДА ҲАМ, СПОРТДА ҲАМ ФАОЛ

Сирдарё вилояти «Сув оқова» давлат унитар корхонаси маъмурияти ва касабаси уюшма ташкилоти ишчи-ҳодимлар ўртасида спортнинг мини-футбол, волейбол, шахмат-шашка турлари бўйича мусобақа ташкил этди.

Унда 100 дан зиёд ишчилар ғойиблик учун қурашди. Ҳолилар маъмурият ва касабаси уюшма ташкилотининг совғалари билан тақдирланди.

«Ishonch» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Қашқадарё вилояти

Сарҳисоб

Мана 2018 йил ҳам тарихда қолди. Барча соҳаларда ғалвир сувдан кўтарилиб, ишлар сарҳисоб этилди, янги режалар белгилаб олинди. Таққослаш, солиштириш орқали ютуққа эришилгани ёки камчиликларга йўл қўйилгани ҳақида хулоса қилинди.

Иш берувчида гап кўп

Агроекономика мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Қамаш тумани кенгаши ҳам ўтган йилда амалга оширган ишларини сарҳисоб қилди. Маълум бўлишича, ўтган йили 2017 йилдагидан кўпроқ ходим ижтимоий суғурта маблағлари ҳамда касабаси уюшма аъзолик бадаллари ҳисобидан турли сихатҳоҳларда дам олдирилган. Эътиборлиси, улар орасида нафақат ходимлар, балки уларнинг яқин қариндошлари ҳам бўлган. Масалан, Қамаш қишлоқ хўжалик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси Жалол Эргашевнинг отаси Қурбон бобога, Чимкўрғон сув омборидан фойдаланиш бўлими гидротехниги Эркин Султоновнинг онаси Майрам момога йўлланма тақдим этилган.

— Оёқ бўғимларимда шомолаш бор эди, — дейди Майрам момо Оролова. — Бронхит, астма хасталикларини ҳам безовта қилиб турарди. «Қашқадарё соҳили» санаторийсида дам олганимдан сўнг оғриқлар, безовталиклар йўқолди. Касабаси уюшмалари ва санаторий ходимларидан миннатдорман.

Табиийки, туман кенгашининг маблағи корхона ва ташкилотлардаги барча ижтимоий-иқтисодий химоя тадбирларини амалга оширишга етмайди. Шу боис кенгаш масъуллари бошланғич ташкилот иш берувчиси ҳамда касабаси уюшма кўмитаси фаолигини ошириш, ижтимоий шериклигининг барқарор бўлиши, ходимлар манфаатининг елкама-елка таъминлинини қўллаб-қувватлайди.

«Фаол тадбиркорлик, инновацион ёшлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» дастури ижросини таъминлаш мақсадида иш берувчи маблағларидан 13 нафар фахрийга пенсияга чиқиши олдидан моддий ёрдам берилди ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Турли фермер хўжаликларда меҳнат қиладиган 96 нафар ходим гузал ва қадимий Шаҳрисабз, тар-

моққа қарашли касб-хунар коллежларида ишловчи 45 нафар ходим эса Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиб келди. Тўқбой фермер хўжалиги томонидан уч нафар ишчининг олий ўқув юртларида тахсил олаётган фарзандлари шартнома пуллари қисман тўлаб берилди.

Иш берувчи маблағлари ҳисобидан «Қамашидон», туман ветеринария лабораторияси, туман ўрмон хўжалиги, Чимкўрғон сув омборидан фойдаланиш бўлими ходимларига уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун фозисиз ссудалар ажратилди.

— Ходимларимизни Қамаш туманида жойлашган «Қизилтепа» дам олиш масканида соғломлаштириш яхши анъанага айланди, — дейди «Қамаш пахта тозалаш» акциядорлик жамияти касабаси уюшма кўмитаси раиси Алишер Бекбўтаев. — Биринчидан, йўлланмалар нархи бошқа сихатҳоҳлардан арзон: 12 кунга 720 минг сўм. Ходим шундан 324 минг сўмин тўлайди. Иккинчидан, масофа яқин. Учунчидан, бош оғриғи, асаб ва қон-томир касалликлари, гинекологик хасталиклар, остеохондроз каби кўп учрайдиган дардлар муолажа қилинади.

Албатта, камчиликлар ҳам йўқ эмас. 574 нафар ходим ишлайдиган корхонада ишдан бўш вақтларда спорт билан шуғулланиш учун шароитлар яратилса, хизматчилар турли мусобақаларда фаол қатнашиб, касабаси уюшма имтиёзларидан фойдаланишса, нур устига нур бўлар эди...

Тармоқ касабаси уюшмаси туман кенгаши нодавлат сектор корхоналари, ташкилотлари ва масъулияти чекланган жамиятларини аъзоликка қабул қилиш борасида ҳам тизимли ишлар қилмоқда. Жумладан, йил бошидан буён 110 та нодавлат ташкилотда касабаси уюшма ташкилоти тузилиб, 474 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари химояга олинди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

2019 йил — Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили



Андижон вилояти

САЛОМГА ЯРАША АЛИК БЎЛСИН-ДА...

Корхонанинг асосий равишда «кўчага қувилган» олти нафар ходими ишга тикланди

«Избоскан тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонасининг олти нафар собиқ ходими Андижон вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасига аъзо бўлишга қарор қилди. «Раҳбариятнинг буйруғи билан кўчага қолдик. Салкам икки ой бўляпти — бекормиз. Ишимизга қайтишга ёрдам беринглар».

Битта соҳада узоқ вақтдан бери меҳнат қилиб келаётган, шунинг ортидан 6 та оиланинг қозонини қайнатаётган бу ходимлар нега ишдан бўшатилди? Ёки вазифасига нолайоқимки? Икки ой аввал ишга қабул қилинган ходимларни қутқилмаганда «кўчага қувилгани» қандай тушуниш керак?

Гап шундаки, вилоят автомашина йўллари ҳудудий бош бошқармасининг буйруғига кўра, Андижон шаҳрида жойлашган автосафнинг бино-иншоотлари, тегишли ер майдонлари, барча асосий воситалари ҳамда штат жадвалидаги ишчи-ҳодимлари «Избоскан тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонасига қонунчиликда ўрнатилган тартибда оператив бошқариш ҳуқуқи асосида беғараз бериладиган бўлди. Бир гуруҳ мутахассислар қатори Қархонан Абдураҳмонов, Қозимжон Назиров, Баҳромжон Солиев, Ғайратжон Мамажонов, Қомилжон Тожибоев, Нозимжон Ҳайитов ҳам корхона раҳбарининг 2018 йил 1 июнь кунги буйруғи билан навбатчи механик, чилангар сингари вазифаларга ишга қабул қилинди. Бироқ кўп ўтмай, 1 августдан ишдан озод этилиши хусусида юқорида номлари зикр этилган олти кишининг ҳар бирига огоҳлантириш хатлари берилдики, барчаси «Ие, бу не қўргулик?»

Ҳали янги жамоа билан тузук-қуруқ танишиб ҳам улгурмадик-ку?! Ишдан бўшатишга асос борми?» дея хайрон қолди.

Жавоб қисқа-лўнда бўлди: «Лавозимлар қисқартирилди, бошқа гап йўқ». Бугун одамларнинг қутилмаганда ва маданиятини юксалтириш, қонунлардан ҳабардорлик даражасини ошириш ҳақида кўп бонг уриляпти. Аксарият кўнгилсизликлар оддий қонун-қоидаларни билмасликдан келиб чиқаётгани ҳам бор гап. Не дейсизки, оддий фуқаро эмас, бутун бошли корхонанинг раҳбарияти-ю ходимлар бўлими бошлиғи меҳнат қонунчилигини билмасми?

Шубҳасиз, айна вазиятда Меҳнат кодексининг бир нечта моддаси кўп равишда бузилган. Аввало, ходимларга огоҳлантириш ҳуқуқий иш берувчи томонидан эмас, вилоят автомашина йўллари ҳудудий бош бошқармаси ходимлар бўлими бошлиғи Х.Шуқурова ҳамда мазкур корхона ходимлар бўлими бошлиғи М.Мамадалиева томонидан имзоланган ҳолда етказилган. Жамоа шартномасининг «Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши факатгина касабаси уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилади» деган бандлари «унутилган». Жараёнга бошқарув тўғрисида Меҳнат кодексининг

Сифатли хизматга асос

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизimini янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Қишлоқ қурилиш банк» ўз фаолиятига замонавий тамойилларни жорий қилмоқда.

Хусусан, яқинда ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими аудитидан муваффақиятли ўтиб, мувофиқлик стандарти кўлга киритилди.

Ушбу сифат менежменти истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган тизимдир. Мазкур стандартларга мувофиқлик мижозларнинг банкка бўлган муносабатларини таҳлил қилиш ва улар билан ишлаш жараёнларини таҳлил этиш мезонлари учун асос яратди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга ва кўламини кенгайтиришга мадад беради.

Банк илгор, ҳорижий тажрибаларни ва замонавий хизматларни жорий этиш орқали молия бозоридаги ўрни ва иштирокини кенгайтириб бормоқда, — дейди банкнинг Стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Облоев Шарипов. — Сифат менежменти тизимининг жорий этилиши банкимиз учун стратегик аҳамиятга эга. Унинг устуңлиги шундаки, унда фаолият давомида хавф ва қалтисликларни бартараф қилишга йўналтирилган жараёнлар жорий этилган. Эндигида банкимиз мижозларга хизмат кўрсатишда, янги маҳсулотлар ва хизматларни яратишда ана шундай сифат тамойилларига таянади.

Мафтуна СУННАТОВА

Касабаси уюшмаси аралашгач...

108-моддаси талаби бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтари ҳамда меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шартлигини хаёлига ҳам келтирмаган. Кун тартибидида масала билан боғлиқ бирор-бир ҳужжат ҳуқуқшунос кўригидан ўтмаганлигига нима дейсиз?

Мурожаат вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилди. Қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан унитар корхона директори вазифасини бажарувчи Ж.Валиева тақдимнома киритилди. Бироқ корхона томонидан «саломга яраша алик» бўлмади — тақдимнома ижросига бепасандлик билан қаралди.

Шундан сўнг бирлашма олти нафар ходимнинг манфаатларини кўзлаб судга даъво аризаси билан мурожаат этди. Фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судининг сайёр мажлисида корхонанинг олти нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ҳақидаги буйруғини ғайриқонуний деб топиб ҳамда мажбурий прогул қунлари учун иш ҳақларини ундириш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Ишдан бўшатиладиган ходимлар-ку ўз вазифасига қайтди. Айни жиҳатлар сабоқ бўлиб, корхона мутахассислари ҳуқуқий саводини оширишга, меҳнат қонунчилигини «сув қилиб» ичиб юборишга, қанийди!

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Қорақалпоғистон Республикаси

Еттинчи синфдалигимда Асқад Мухторнинг «Чинор» романини ўқиб қолганман. Мутулаа асносида кўз олдимда жаннатмонанд манзаралар пайдо бўлганди. Шу-шу Орол денгизи ҳақида гап кетса, ўша манзарани кўриш истаги қайта-қайта тугилаверади. Унинг рўёлигини тан олгим келмайди.

Қорақалпоқ заминиди тугилиб, Орол дардини таниди ҳам, қалбида ҳам ҳис қилиб яшаётганлардан бириман. Шўр сув ичиб, вужудимда тош ва кумлардан «коллекция қилиш»га алақачон улгурганман. Олий таълимни Нукусда олиб, талабалик йилларим Чимбой ва Қораўзақ туманларида пахта етиштиришда «фаол» иштирок этиш жараёнида олислардан сувга қатнаб, сувсизлик нима эканлигини кўрганман. Ҳозир Урганчада яшайман, аммо ота-онам, укаларим, яқинларим ичаётган сув тобора шўрланаётгани қалбимни тиглайди.

Орол дардини мен Ўрозбой Абдурахмонов асарларини ўқиб янада чуқурроқ ҳис қилганман. «Минтақада Қорақум, Қизилқум ва Устюрт текислиги камлик қилгандек, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари Оролқум саҳроси пайдо бўлди. Йўқ, бу саҳро осмондан тушгани йўқ, унинг барпо бўлишига табиат инжиқлигининг ҳам алоқаси йўқ, биз саҳрони ўз қўлимиз билан яратдик. Қорақум билан Қизилқумнинг қон томирлари бўлган Амударё билан Сирдарёларнинг юқори оқимларига ҳар хил тўғонлар қуриб, «саҳрони бог-у бўстонга, оламни гулистонга айлантирамиз, биз табиатдан устунмиз, орқага чекинмиш йўқ» деган шиорлар остида, кўрик ерларни ўзлаштирдик, ўзлаштираведдик. Натижада, табиатнинг мусаффо инъоми бўлган Орол денгизининг ўзи биздан чекинди, қочди...», деб ёзади ёзувчи.

Манбаларда қайд қилинишича, Орол денгизи суви чуқук бўлган. Туз миқдори бир литр сувда 10-11 граммни ташкил қилган. Балиқнинг 60 дан зиёд тури учраган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув қуйилиб турган. Ўтган асрнинг олтинчи йилларигача Орол денгизининг сатҳи 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни ташкил этган. Денгиз сатҳи 1960 йиллардан пасайишни бошлаган. 1989 йилда Шимолий (Кичик) ва Жанубий (Катта) Орол денгизига ажралган. 2014 йилда Жанубий (Катта) Орол денгизининг шарқий қисми буткул қу-

риб, денгизнинг атиги 7297 км. қисми қолган. Отам Мўйноққа кемада боргани ҳақида гапириб беради. Орол балиқлари ниҳоятда тотли, собиқ Иттифокда харидорғир бўлганлиги сўзлайди. 1970 йилларнинг ўрталарига келиб денгиз сувининг шўрланиши натижа-

лик беришича, улар асосан хлорли, сульфатли, карбонатли, бир литрида 300 граммгача тузи бор шўр сувда яшайди, сув ўтлари, бактериялар билан озикланади.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Орол ҳақида жуда кўп гапирилди, ёзилди. «Агарчи, шу кунга қадар Орол тўғрисида ёзилган битиклар, нутқлар ва ваъдалардан сув чиқариш мумкин бўлганида эди, денгизни алақачонлар тўлдирган бўларди. Лекин сув жонивор Оролга фақат икки дарёдангина келади...», дея нола қилади Ўрозбой Абдурахмонов.

ҳўжалик экинларидан кўнгилдагидек ҳосил олишнинг имкони бўлмади. Худудда бронхиал астма ва аллергия ренит касалликлари ривожланди. Маълумотларга кўра, минтақада ҳар йили атмосферага кўтарилаётган кум ва туз миқдори 100 миллион тонна атрофида.

Ҳа, Орол фожиясининг асоратлари тобора гирак ола бошлади. Яхшиямки, мамлакатимиз раҳбари ўз вақтида SOS тугмасини босди.

«Мана икки йилдирки, Президентимиз халқимиз дардига ора кириб, Орол фожиясининг аниқ ташхисини қўйди: денгизни ичиб

Орол: SOS тугмачаси босилди!



2018 йилнинг 27 май санаси Қорақалпоғистон ва Хоразм аҳолисининг ёдидан ҳеч қачон чикмас керак. Ҳаво илиб қолгани учун ҳовлидаги супада ухлаётгандик. Ярим тунда ёпирилиб келган самолдан чўчиб уйғондик. Кўрпа-тўшақларимизни олиб, ичкари кирдик. Эрталаб қарасакки, ҳовлимизни оппоқ туз қоплаган эди. Шу кунни ўғлим кун бўйи тут кесишда қатнашди. Эртаси кунни вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига олиб боришимга тўғри келди. Унинг ҳолатини кўрган шифокорлар ўпкисини зудлик билан рентген текширувидан ўтказишни маслаҳат қилишди. Бир ҳафтадан зиёд муолажа олди.


2018 йилнинг 27 май санаси Қорақалпоғистон ва Хоразм аҳолисининг ёдидан ҳеч қачон чикмас керак.

Ҳаво илиб қолгани учун ҳовлидаги супада ухлаётгандик. Ярим тунда ёпирилиб келган самолдан чўчиб уйғондик. Кўрпа-тўшақларимизни олиб, ичкари кирдик. Эрталаб қарасакки, ҳовлимизни оппоқ туз қоплаган эди. Шу кунни ўғлим кун бўйи тут кесишда қатнашди. Эртаси кунни вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига олиб боришимга тўғри келди. Унинг ҳолатини кўрган шифокорлар ўпкисини зудлик билан рентген текширувидан ўтказишни маслаҳат қилишди. Бир ҳафтадан зиёд муолажа олди.

Қизим эса сал шамол турса «Туз бўрони бошланди», дея ваҳимага тушадиган бўлиб қолди. Ушбу бўрондан Қорақалпоғистон ва Хоразм халқи озмунча талофат кўрмади. Қишлоқ

қўйган пахтани сув кам талаб этиб, мўл ҳосил берадиган экинлар билан алмаштиришни маслаҳат берди. Агар, ҳеч бўлмаса, чорак аср илгари мана шундай чора-тадбирлар қўлланганда эди, дарёларимиз тўлиб оқиб, кўнгли тўқ халқимиз денгизини ўзи тўлдириб олмасмиди? Президентимиз Оролга қўйган ташхисини БМТ минбарига олиб чиқиб, денгизнинг харитасини ёйиб, бор ҳақиқатини оламга айтди» деб ёзади Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдурахмонов.

Ниҳоят, қуруқ гаплар йиғиштирилиб, амалий чораларга ўтилди. Муаммолар реал баҳоланди. Уларга аниқ ечимлар изланди. Президент Олий Мажлисга Мурожаатномасида Орол денгизи атрофидаги ҳолатга ҳам тўхталиб, бу йўлда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидлади. «Ҳечдан кўра кеч яхши», дейди халқимиз.



2017 йилда қалбимизда алангалаган умид учкунни 2018 йилнинг охирига келиб муштакам ишончга айланди.

Маълумотларга кўра, ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишда икки мингга яқин элдошларимиз иштирок этмоқда. Орол фожиясини енгишга кўзи етган халқ улуғ мақсад йўлида тобора жипслашмоқда. Қиш изғирини бу мақсаддан қайтаришга қодир эмас.

Қадалаётган ҳар бир саксувал уруғи умид ва наҳот фариштаси янглиғдир. Саксувалнинг фойдали жиҳатлари ҳақида кўп эшитганимиз. У эъидан кислород чиқаради. Тузни ўзига йиғиб олади. Шамолнинг таъсирини қамайтиради. Кумни кўчишдан сақлайди.

Фақат буғина эмас. Ўрмонзор бўй кўрсатганидан кейин Оролбўйида янги ҳаёт бошланади. Чорвачилик ривожланади. Одамларнинг турмуш шароитлари яхшиланади. Эртанги кунга бўлган ишонч янада ортади.

Яна бир маълумот: яқинда Оролнинг қуриган ҳудудига Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди.

Тадбирда хайрли ишга қўл урилгани, яъни жонли эфир орқали Мўйноқда олиб борилаётган кенг кўламли ишларга ўз ҳиссамини қўшаман, дея хайр-саховат қилишни хоҳловчилар учун махсус ҳисобрақам очилгани эълон қилинди. Ушбу ҳисобрақамга қисқа вақт ичида юртдошларимиздан 6 миллиард сўмдан ортиқ пул келиб тушгани таъкидланди. Мазкур ҳисоб рақамига келиб тушган пуллар эса оғир шароитда меҳнат қилаётган юртдошларимизга ҳар томонлама шароит яратиш ва ўрмонзор барпо қилишдаги бошқа мақсадларга йўналтирилади. Демак, Оролбўйидаги умидбахш ишлар ўз самарасини беражак.

Мухаббат ТўРАБОВА, «Ishonch» муҳбири

Самарқанд вилояти

Каттақўрғонлик Ўктам Эрдонов қурувчи. Кўп йиллар шу соҳада меҳнат қилган. Аммо у қурилишда шикастлангач, бармоқлари ишламай, уйда ётириб қолди. Аммо ҳеч кимга нолимади, тақдир экан, деб қўя қолди. У меҳнат қилган ташкилот ҳам бепарво бўлди, жароҳатланган ходими борлигини мутлақ унутди... Шу тахлит кунлар ўтаверди...

Ўктамнинг бахтига Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ора кирмаганида, билмадик, яна қанча вақт уйда ўтирган бўларди. Қарор асосида унинг қийналган оиласига давлатимиз томонидан ёрдам кўрсатилди, ўзи бепул даволанди. Тиббий муолажадан сўнг, унинг бармоқлари ишлаб кетди. Қурувчи ишга қайтди. Иқтисоди ночорлашган оиласини тиклашга интильди. Бир фурсат меҳнат қилгач, давлатимиз ажратган галдаги маблағ эвазига яна қайта даволаниб, соппа-соғ бўлди.

Шу ўринда савол тугилади? Агар шундай ижтимоий кўмак бўлмаганда, қўлигул қурувчи ишидан ажраб қолаверармиди?

Бу савол бизни мулоҳазага чорлади. Аммо аввал қурилишлар ҳақида батафсил сўз юритсак.

Бугун қурилиш майдонига жавлон ураётганларнинг аксарияти 20 дан 40 ёшгача бўлган кишилар. Айни навқирон, нарчаш нималигини билмайдиган, ишлаб рўзгорни кўтаради-

ган ёшлар. Бунёдкорликлар жадаллигини ана шу навқиронлар таъминлаб бераётгани ҳам бор гап. Аммо... — Тонг ёришгандан то шомгача меҳнат қиламиз, — дейди қурувчи Акбар Носиров. — Бошланган қурилишни ниҳоясига етказгунча тиним бўлмайдди. Яқшанба, саккиз соатлик иш, деган тушунча йўқ. Раҳбарларга бу ҳақда оғиз очган кунингиз паттангиз қўлингизга берилари.

Қурувчининг қадди-ю қадри қачон баланд бўлади?

— Меҳнат ҳуқуқига доир қандай имтиёزلардан фойдаланаясиз, — сўраймиз ундан.

— Шунча ишлаб расман меҳнат таътилига сира чикмаганман. Касал бўлсангиз, соғайгач, ишни давом эттиришингиз мумкин. Лекин касаллик варақасига ҳақ тўлаш деган гап йўқ. Биз доимо мавсумий ишчи сифатида ишга қабул қилинаемиз. Аммо бу мақом қурилишда ишлаётганларнинг ҳаммасига ҳам берилмавермайди.

Самарқанд шаҳридаги қурилиш бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдик. Энг ачинарлиси, бирорта қурилиш майдонига кўп қа-

ватли бинолар барпо этишда ишчи сифатида рўйхатга олинган, зарур ҳавфсизлик воситалари билан таъминланмаган. Бирор қурувчининг бошида каска кўринмади. Қурилишларда меҳнат муҳофазаси талабларидан мутлақо қаноат ҳосил қилиб бўлмайди.

Мана, масалан, «Samarkand snebn» маъсулияти чекланган жамияти томонидан шаҳардаги Рудакий кўчасига ёндош майдонда кўп қаватли уй барпо этилаётди. Яқшанба кунни бўлишига қарамасдан бу ерда ўн чоғли қурувчи меҳнат қилаётган экан.

— Қарийб бир йилдан буён мазкур иншоот қурилишини амалга ошириб келярмииз, — дейди корхона иш бошқарувчиси Баҳодир Санақулов. — 20



рати фаолияти йўлга қўйилди. Натижада, ўтган бир йил мобайнида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бирор бир кўнгилсизлик содир этилгани йўқ.

— Хусусий ташкилотларни қасаба уюшмалари сафига тортиб, ходимлар манфаатини ҳимоялаш мумкин эмасми, — сўраймиз суҳбатдошимиздан.

— Мумкин. Тармоқ қасаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда даярли барча қурилиш ташкилотларида бўлганмииз, аъзолик афзалликларини тушунтирганмииз, — дейди Усмон Каримов. — Аммо уларнинг аксарияти тақлифларимизни ўринли қабул қилишмайди. Кўпчилигига қасаба уюшмалари сафига аъзо бўлиш мажбурий эмаслигини, лекин иш берувчи сифатида меҳнат муҳофазасини таъминлаб беришга мажбур эканлигини аниқлаштиришга интиляпмииз. Шу чоққача қурилиш ташкилотларининг бошини қовуштирадиган идора йўқ эди. Энди-чи? Қурилиш вазирилик, жойлардаги бошқармалари иш бошлади. Бу ташаббусни улар ўз қўлларига олишига умид бўлиб турибмииз.

Бизни доимо шундай савол қийнайди. Жамиятда қадри баланд бўлиши керак бўлган қурувчига нега бугун эътибор йўқ?

Ҳар қадамда «Ҳайдовчи хушёр бўл, сени оиланг кутаётир» деган ёзувга дуч келамиз-у, биронта анги қурилайтган иншоотда меҳнат ва техника хавфсизлиги ҳақида тушунчи берувчи кўргазмали воситаларни-ку гапириб ўтирмайлик, ҳатто «Қурувчи хушёр бўл...» деган даъват йўқ, нега? Ахир, қурувчи ҳам одам, акамиз ёки укамиз... Улар ҳақида қачон ўйлаймиз?...

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Долзарб мавзу

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS»

маъсулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларида тақлиф этилди.

2019 йил 25 январь кунни соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Бухоро вилояти «Сувқова» давлат унитар корхонасининг 17.12.2018 йилдаги 1513-сонли бюртномасига асосан жамият ҳисобидида қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1-ЛОТ. Бошланғич баҳоси 13 512 259 сўм бўлган, 1995 йилда и/ч ГАЗ-430100 русумли д/р: 80 489 LAA автотранспорт воситаси;

2-ЛОТ. Бошланғич баҳоси 4 872 800 сўм бўлган, 1998 йилда и/ч ГАЗ-3110 русумли д/р: 80 461 LAA автотранспорт воситаси;

3-ЛОТ. Бошланғич баҳоси 4 396 855 сўм бўлган, 1996 йилда и/ч Дамас русумли д/р: 80 645 EAA автотранспорт воситаси;

4-ЛОТ. Бошланғич баҳоси 11 260 216 сўм бўлган, 1988 йилда и/ч ГАЗ-5327 русумли д/р: 80 485 LAA автотранспорт воситаси.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагинидаги талабдорлар диққатига! 25.01.2019 йил санасида аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда 29.01.2019, 31.01.2019 йил санасида аукцион савдолари такроран ўтказилади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотиш шартномасини тузиш мажбурий юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотиш шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини талабдорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шартнома бўртномалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб аукцион савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатгача (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини талабдорлардан «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закатал пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закатал пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Заказал тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ, СТИП: 302523082, МФО: 00115, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисобрақами — 20208000805028108002.

Бюртномаларни қабул қилиш ёки мулк билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 10-уй. (4-қават), 405-хона. Тел.: (0 365) 221-59-24. E-mail: kms.res@mail.ru

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ.

Гувоҳнома: № 006263

Тўхтатиш:

«Кўп тармоқли иختисослаштирилган аукцион савдо» МЧЖ шунинг маълум қиладики, «Ishonch» газетасининг 2018 йил 15 декабрдаги №150-сонинда чоп этилган ИИВга қаршали бўлган 2019 йил 15 январги ким учун шадосига қўйилган барча автотранспорт воситалари учун ким ошди савдолари тўхтатилади. Асос: ИИВнинг 2019 йил 5 январдаги 3/11-21-сон хати.



Табиатимизда ёзилмаган, лекин қонимизга сингиб кетган қонунлар бисёр. Аммо замонвий дунёда бу ўзгармас қонунларга ҳам пугур етаётгандек. Техника инқилоби – телефон, интернет бунга йўл очиб беряптими ёки замон ўзгариб бораптими, деган савол кишига тинчлик бермайди. Бир қарашда замон ўз жойида турибди, лекин...

Келинг, шу «лекин» ҳусусида пича мулоҳаза юритсак.

Бир неча ой Президентимиз топшириғига асосан ташкил этилган Жамоатчилик комиссияси вакиллари пойтахтимиз туманларида уйма-уй юриб халқ билан мулоқот қилиб, асл вазиятни ўрганди. Қийналган, битта хонадонда уч-тўрт оила яшаётган, ишсиз, дори ҳам ололмаётган, ҳақиқатан ҳам кўмакка муҳтож ҳолатлар анчагина экани маълум бўлди. Уларга ўз вақтида тегишли ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга кўнгилни хира қилувчи манзаралар ҳам бор. Тоғни урса талқон қиладиган йиғитлар ишсизликдан нолиб ўтирибди, фарзанд ва уй ишлари билан шуғулланиши лозим бўлган оила бекалари эса бир-икки сўм илинжида кўчада писта сотиб ўтирибди. Баъзи хонадонларда (афсуски, бундайлар ҳам талайгина) турмуши бўлмади қайтиб келган қизларнинг уй-жойи йўқ, улар фарзандларига алимент ҳам ундира олишмаган. Бир қориндан талашиб тушган ака-ука улғайгач бир-бирига ёв. Ҳовли битта, қозон-товоқ алоҳида. Қўли калта аканинг сув ҳақини тўлашга пули йўқ, ука эса ҳовлидаги водопроводга қулф осган. Кунда ғиди-биди, жанжал. Баъзи хоналарига йиллаб одам кирмаган бўлса-да кўша-кўша иморат солаётган яна бир ака ота уй илинжида жигарлари билан қирпичоқ. Турмушга чиқиб кетган, рўзғори бўлак сингил ҳам, таассуфки, шу дардда.

Фарзандига дашном берган ўқитувчини ота-она ҳамманинг олдида ер билан битта қилган, бундан илгаридан да ҳаволанган ўғил ўқитувчисига мушт кўтарган. Кимдир алдаб, пулини олиб қочганлар-у ўғрилигини барча билиб турса ҳам эл ичида бемалол юрган юзсизлар қанча. Кимнингдир масъулиятсизлиги ёки нафс балосига йўлиққани боис яна кимлардир касалхонага ордер ололмади, дард чекаётганлар сафини кўпайтирган.

Одамни тузадиган ҳам, бузадиган ҳам пул. Лекин кўпроқ бузади, ўғлим, – деганди университетда ўқиб юрганамизда кекса бир устозимиз. – Оддий мисол, талабаларни олайлик. Пора бергани ўқимайди. Пора билан ишга жойлашади. Илмсиз кадр ўрнашган ишида унум бўлишини асло ўй-

лаган эмас. Берган пулларини ортиги билан ундириб олиш пайида бўлади, холос. Атрофига ўзига ўхшаганларни тўплайди. Бунақада иш олдинга силжирмиди?.. Хаёлим ёшлик йилларим томон югурмайди. Қишлоқда, ўзгача оқибатли

бати йўқ эраклар тилига эмас, билагига ишонар эди.

Аёллар ҳам хангома қилиш учун бир-бириникида тўпланар, суҳбат ҳам бекор ўтмай, бир гал урчук йигирлиш, иккинчи гал кигиз босишар, ҳашар қилиб гилам тўқишарди.

Оилада ўнта фарзанд бўлса ҳам ота-она ким билан қолишни истаса, уйда ўша қолар, бошқа ака-укалар уй-жойини бўлак қилиб чиқиб кетарди. Мерос, васият, нотариус деган тушунчалар мутлақо бегона эди. Чиққан қиз чигирқдан нари, деганларидек қиз бола бу хонадондан ўз улу-

қувчилар ўша тўйга ўқитувчимиз зориб қолса, хурмати шунчалик эди-ки, девор паналаб уйимизга қочиб қолардик. Мен сендан камманми, деган тушунча йўқ эди. Бир-бирига беллашиб, бели сиғиб, элга дастурхон ёзганни кўрмаганмиз. Қиз томон рўзғорга керак нарсаларнигина қилар, қуввга қайнотаси ёрдам таклиф қилса, унамас, билагимда кучим, ўзимга яраша ақлим бор, қизингиз оч қолмайди, дея қатъий рад этарди. Нима бўлганда ҳам ғурур кучли эди-да...

Одамларда ҳам ортиқча мол-мулк йўқ, бунга урнишмас ҳам

ман, шунга юрибмиз такси суриб. Бўлмаса бинойидек ишим бор. Дам олиш кунлари, бўш пайтим даксичилик қиламан, солиқчилардан қочиб-пусиб дегандек. Лицензиянг бўлмагандан кейин шунга мажбурсан-да киши. Ушлаб олишса, тирикчиликнинг томири қирқилади. Бир замонлар қизни ҳовлидан олиб кетаверишарди. Энди эса қиз тўйлар ҳам тўйхонада бўлапти, ука. Аёлларга ҳам столга ароқ қўйишаётгани-чи? Буниси ортиб тушяпти. Кейин хотин зотига живонин берма экан, гоҳ унис кам дейди, гоҳ буниси. Кечагина мебелини олиб бергандим, бугун улар истаган гиламга пулим етмай қайтыпман. Бир-икки кун ухламайман-да энди. Ишқилиб машинанинг тагидан шамол эсиб турса бўлди.

Одамлар ўзгариб кетяпти, болам, – дейди кекса бир ҳамроҳимиз. – Фарзандларимизга қандай тарбия беряпмиз, билмай қолдим. Яқинда рўзғори бўлак, бозорда мол олиб-сотадиган ўғлим мени чув туширса-я. Ҳеч ақлимга сиғдирилмаяпман. Бир она-бола сиғирни ушлаб турган экан, ўшанга харидор бўлдим. Ўғлим-ку, дея ўйлаб ўтирмай сўраган пулни санаб бердим. Кейин билсам устига яхшигина қўйган экан. Нега бундай қилдинг, болам, десам, қўзини лўқ қилиб, бу бизнес, ота, дейди. Нима дердим, отангни алдашгача борадиган бизнесинггаям ўт тушсин, дердим-у боламсан-да, омадингни берсин, деб қўя қолдим.

Кўнглимга қайта хижиллик иниб, уйимиз рўпарасида тушиб қолам. Болалигим ўтган қадрдон кўчадан юриб, қўшнилар баҳамжиҳат лой қориган ҳандақ ёнидан ўтиб, аёллар кигиз думалатган супага чиқаман. Кексалик нуқси урган отам билан дийдорлашамиз. Қўшнинг оғили устида кўзтаниш икки-уч кишининг куй-маланаётганини кўриб, ҳашарми, деб сўрайман. Отам ҳорғин тортади.

– Қаёқда, болам, ҳашар қолибдими бу замонда... Ҳозир мушук текинга офтобга чиқмайди. Пулга суватаётган-да.

– А! Кўз олдим хиралашади. Болалигимдаги ўша беғубор туйғулар туманлар ичига сингиб кетгандек бўлади. Элас-элас англаганим отамнинг гапларидан қуйидагилари миямга муҳрланган:

– Бир нарсаси адо ёдингдан кўтарилмасин, болам. Қўзи тўқликнинг ўзи саодат. Энг катта бойлик ҳам аслида шу...

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири

Ўзгар(М)аётган одамлар



Бир замонлар қизни ҳовлидан олиб кетаверишарди. Энди эса қиз тўйлар ҳам тўйхонада бўлапти, ука. Аёлларга ҳам столга ароқ қўйишаётгани-чи? Буниси ортиб тушяпти. Кейин хотин зотига живонин берма экан, гоҳ унис кам дейди, гоҳ буниси. Кечагина мебелини олиб бергандим, бугун улар истаган гиламга пулим етмай қайтыпман. Бир-икки кун ухламайман-да энди. Ишқилиб машинанинг тагидан шамол эсиб турса бўлди.

одамлар ичида ўсиб-улғайганман. Бири бирига ёрдам берадиган, ҳар қандай ҳазилини-да ўрнига қўйиб, ўзгаларнинг ҳазилини-да кўтарадиган эл. Ҳар ёзда оғилни сувашда бутун қишлоқ йиғилиб келар, бир кунда ҳашар билан лой ишларимизни тугатиб кетишарди. Биров-бировга таъна қилмас, ўтказиб қўйдим-ку, сен ҳам менинг нимамдадир туриб берасан, демасди. Суҳбатлар ҳам самимий, фойдали кечар, кимнинг нима айби бўлмасин, юзига солинамас, айниқса, ўзи бўлмаган киши ҳақда гап кетса, катталар ўзи йўқнинг кўзи йўқ, бу яхши одат эмас, миянг бутун эди-ю сен боланинг, деб гапирганинг оғзия урарди. Ғий-

шини талаб қилиш у ёқда турсин, улушим бор деб ўйламасди ҳам. Ота уйда бир-икки кун, нари борса, уч кун меҳмон бўлар, ортиқча қолиб кетса, ота-онаси сенин уйинг энди ўша хонадон, деб қайтариб юборарди. Қиз шўрлик бағритиш ота-онасидан хафалигини билдирмаслик учун кўздаги ёшини яшириб, аразлаб келган эса-да дарди ичида ортига қайтарди. Айнан шу туйғули тушган ерида тошдек қотиб, ўзидан тинчи қетарди. Фалончининг уйи бузилибди, фалончи қайтиб келибди, деган гап бўлмас эди.

Тўйлар ҳам ҳовлида камтарингина ўтар, ёш-у қари қамишдан бел боғлаб хизмат қиларди. Биз

эди. Устим бут, қорним тўқ, борига шукур, турмушим ҳам ёмон эмас, деб борига қаноат қилишган. Қарияларнинг инсонга умр бир марта берилади, ортингдан яхши ном, оқибатли фарзандлар, қилган амалинг қолади, шунга муносиб бўлиш керак эр киши, деган ибратомуз гапларини кўп бор эшитганман. Бу халқни янада жипслаштириб, бир-бирига яқинлаштирган бўлса ажаб эмас.

Ўзгача оқибат бор эди одамларда.

Шуларни кўз олдимдан ўтказиб, ўшал онлар соғинчи билан энтикаман. Қишлоғим томон келарканман тезроқ етиб боришни ўйлайман.

– Қиз чиқариш ҳам осон бўлмай қолди, ука, – шофёрнинг гапидан хаёлим бўлинади.

– А! – Қиз узатаётган эдим, дей-

Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!



Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда 2018 йилнинг 15 декабрдан жорий йилнинг 15 январига қадар ватанпарварлик ойлиги ўтказилмоқда. Ойлик доирасида кўплаб тадбирлар ўюштирилиб, уларга кенг жамоатчилик жалб этиляпти.

Мардлик ва жасорат сабоғи



Тошкент гарнизони ҳарбий қомандатураси томонидан «Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!» шiori остида ўтказилган ўқувчи ёшлар билан учрашув шундай хайрли тадбирлардан бўлди. Унда ҳарбийлар ўз фаолиятидаги қизиқ воқеалар, ҳаётда асқотадиган тажрибалари билан ўртоқлашди. Иштирокчиларни, айниқса, қандай билим ва кўникмага эга ёшлар ҳарбийликка танлаб олиниши қизиқтирди. Ҳарбийлар жисмоний тайёргарликдан ҳам олдинроқ руҳий тайёргарлик муҳим экани, кишининг иродаси жисм бақувватлигига эмас, руҳ соғломлигига боғлиқлигини ай-

тенгдоши Мадина Мирзаева. – Ўзини шу юрт, шу эл фарзанди-ман деган ҳар бир ёш учун Қуроли Кучлар сафида хизмат қилишдек вазифани адо этиш шарафли бурч ҳисобланади, – дейди майор Абдуғани Қаюмов. – Ўқувчилардаги қизиқини кўриб, бунга қатъий амин бўлдим. Биз бундан хурсандимиз, шундай ёшларимиз билан фахрланамиз.

Кўзлари қақнаб турган, келажакда ҳарбий бўлишга, Ватан йўлида хизмат қилишга қатъий аҳд қилган ўқувчилар учун мазкур учрашув ҳақиқий ибрат мактаби бўлди.

Абду РАҲМОНОВ

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «Ishonch» мухбири

Журналнинг янги сони



Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази муассислиги ҳамда Ўзбекистон қасба-касаба уюшмалари Федерацияси,

Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳаммуассислигидаги «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг 4-сонини ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. Уч тилда чоп этилаётган журналдан юртимиз ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга доир мақолалар ўрин олган.

Бош мақсад – ИНСОН ҳуқуқлари

Журналнинг илк саҳифаларида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига табриги берилган.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида ўтказилган ушбу тадбир БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Истанбулдаги минтақавий маркази, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси ҳамкорлигида ташкил этилган. Ушбу нуфузли анжуман «Осиё форуми: «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси: замонвий таҳдидлар ва реал воқелик» мақола-сиди батафсил ёритилган.

Журналда ўқувчи эътиборини жалб қилувчи яна бир рух инсон ҳуқуқлари Декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган. Унда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачалетнинг «Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш: вена декларациясини ҳамда ҳарақатлар дастурини ва кейинги ишларини кенг миқёсда амалга ошириш», Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Таълим бўлими мудири Фарҳод Ҳайитбоевнинг «Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция: ижроси ва амалга ошириш принциплари», Андижон давлат университетининг илмий бўлими мутахассиси, мустақил изланувчиси Мавлуда Алимованинг «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоатчилик назорати институтининг роли» ва Навоий давлат педагогика институти Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси Дилдора Нумонованинг «Ўзбекистоннинг замонвий маънавий-маданий тараққиётида аёллар масъулиятини ошириш» мавзусидаги мақола-лариди фуқаро ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар, умуминсоний гояларга қандай эришишга оид кўплаб ҳуқуқий қарашлар мавжудлиги ҳақида фикр билдирилган.

Бундан ташқари, журналдан Конституция-мизнинг 26 йиллигига бағишланган туркум материаллар, О.Бўриев ва М.Усмоновнинг «Те-мурийлар Ренессанси – Уйғониш даврини Ту-ронда маданий юксалиш ва ҳозирги замон» мақола-си, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мамлакатимизда бўлиб ўтган анжуман, тадбир ва тақдиротлар ўрин олган.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ
Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73
www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001.
АТИБ «Ispoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЗ: 58130

Худудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-90-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-91) 233-69-07
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдураҳмонов
Навбатчи:
Д. Орипов
Мусаҳҳиш:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуқалилов
ЎА яқуни – 21-00
Топширилди – 22-30
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босяма табоқ. Буюртма Ғ – 117. 29010 нускада босилди. Нашр кўрсатиши: 133
«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқлангани мумкин.